Президент Шавкат Мирзиёев Бокуга келди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 1 март куни амалий ташриф билан Боку шаҳрига келди.

Ҳайдар Алиев номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Яқуб Аюбов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Бугун Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтади, унда етакчилар аввал эришилган келишувларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қиладилар.

Эртага, 2 март куни Бокуда энг йирик халқаро тузилмалардан бири - Қўшилмаслик ҳаракатининг саммити бўлиб ўтади. Тадбирнинг ялпи сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлайди.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI

Манба